



Гариблигда гурбат ичра колдим мано...

Ахмад Яссавий

Тасаввуф шеърияти — инсоннинг рухий ҳаёти, юксак ва мураккаб психик ҳолатларини чуқур тадқиқ этган шеърият. Унда Шахснинг илохий туйғу ва кечинмалари образли таҳлил қилинган, мутлақ ҳақиқатга эришиш босқичларидаги сирли ҳаёллари тасвирланган. «Кўнгил — диннинг моҳиятидир», дейди Людвиг Фейербах. Тасаввуфда Кўнгил — ҳақиқий ишқнинг моҳияти. Маълумки, сўфийлар одамларни ахлоқ ва ҳиссиётларига қараб уч тоифага ажратганлар. Биринчи тоифа — нафс бандалари. Булар ўз нафсу хирсларига мағлуб гофиллар. Алишер Навоийнинг мана бу сўзлари ана шундай кимсаларга қарата айтилган:

Хирс офатини нафс хавоси билгил,
Кўймоқ ани нафс муддаоси билгил.
Нафсингга алам хирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

Иккинчи тоифа — қалб одамлари. Булар онг ва идроки ривожланган, ҳудога анча яқин оғох зотлар. Улар тавба қилишган. Сидқ, сабр, қаноат, таваққал, тўғрилиқ талабларини оғишмай бажа-рувчи бу қишилар:

Жуз ҳақдин анингки бўлса оғохлиги,
Уммиди эрур гояти гумрохлиги,—

деган эътикод билан яшаб ўтишган. Учинчи тоифа — Рух одамлари. Булар туну кун дийдор дарди-да ёниб, хамма жой ва хамма нарсада Хакнинг нури жамолини кўрадилар. Юнус Эмро уларнинг нуктаи назарини ифодалаб:

Хак нури ошиклари ҳардам нузул эмасми,
Кима нузул бўлмаса, ишқдан малул эмасми,—

дейди. Тасаввуф шеърлятида такрор-такрор тилга олинадиган Гариб ҳам кейинги гуруҳнинг вакилидир.

Е. Э. Бертельс «Навоий ва Аттот» номли мақолада тасаввуф «мустанзил тафаккурга мойил кишиларнинг диккатини жалб этарди», деб таъкидлаган. Алишер Навоийнинг тасаввуф таълимотига доир шеърларида ҳам кўнгли эркин, рухий хурликка илҳак, макон ва замон, жамият ва муҳит чегараларидан ниҳоятда баланд кўтарилган орифларнинг ахлокий, фалсафий, илохий тушунчалари кенг ёритилган. Е. Э. Бертельснинг айтишича, Алишер Навоий ўз ижодиётида «тасаввуфнинг бутун ахлокий жихатларини камраб» олиб, «такдир маҳкум этган муҳитдан алоқасини узмаган бўлса-да», тасаввуфнинг «сўнги мақсадларини бир идеал тарзда» олдига кўйган эди. Бизнингча, шу идеалга алоқадор шеърлардан бири — «Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш» мисрали машҳур рубоийдир. Уни ёшу қари — деярли ҳаммамиз ёд биламиз. У ўрта мактаб ва олий ўқув юрти дарсликларидан муқим ўрин олган. «Ватан адабиёти»да (6-синф дарслиги) рубоий тўғрисида бундай дейилган: «Шоирнинг энг гўзал рубоийларидан бири «Гурбатда гариб...» рубоийсидир. Ватан муҳаббати бу рубоийнинг асосий гоёсидир. Бу гоёни шоир гоёт гўзал бадиий маҳорат билан яратади, яъни шоир «Гурбатда гариб...» рубоийсини яратар экан, у бу рубоийни бевосита ўз бошидан кечирган ҳаётини воқеалар билан боғлайди ва умумлаштиради. Навоий гоҳ Астрободда, гоҳ Самарқандда, гоҳ Балхда бўлди. Бу дарбадарлик шоирнинг ижодига қучли таъсир этади ва мазкур рубоийни яратади». Таҳлилдаги тил нўноклиги ва ифода гализлигига қарамадан, рубоий ўқувчиларга «ватанпарварлик билан сугорилган чуқур мазмунли шеър» деб тушунтирилади.

Натан Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (олий ўқув юртлари учун) дарслигида ҳам мазкур рубоий «ватанпарварлик ва эрксеварлик гоёси» қуйланган шеър сифатида баҳоланган.

Рубоийнинг ёзилиш тарихи, гоёвий-бадиий хусусиятлари бир қатор адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Навоийнинг илк девонидан у мана бундай кўринишда ўрин олган экан:

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга рафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қадах ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

«Хазойинул маоний»даги вариантда иккинчи сатрдаги «рафик»—«шафик», учинчи катордаги «кадах»—«кафас»га алмаштирилган:

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун кафас ичра кизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Тахрирга сабаб нима? Саволга таникли олим Екубжон Исмоковнинг «Навоийнинг илк лирикаси» китобида жавоб бор: «Биринчидан, дастлабки вариантда «рафик» ва «меҳрибон» сўзлари уюшиқ бўлак бўлиб келган. Вахоланки, бу икки сўз икки хил тушунчани билдиради, уюшиқ бўлак бўла олмайди, балки «рафику меҳрибон» (меҳрибон ўртоқ) тарзида ифода бўлиши мумкин. Шунингдек, рафик (ўртоқ, дўст) бўлмаган одамнинг меҳрибон бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум ва бу таажжубланарли хол эмас». Олимнинг хукмига кўра, бир-бирига мос тушунчаларни ифода килувчи сўзларни уюшиқ бўлак килмаслик «автор услубидаги чалкашликдан иборат бўлиб, у кейин тузатилган. Шеър таркибидаги сўз ўзгартирилиши, албатта, ўзини оклаган. Лекин тахрирда Алишер Навоий «уюшиқ бўлак» хусусида ўйлаганмикин? Бизнингча, «рафик»нинг «шафик» сўзига алмаштирилиши бошқа сабабга боғлиқ. Буни Гариб характерининг ички мантикидан ахтариш керакка ўхшайди.

Ёкубжон Исмоков ўз даъвосини далиллашда давом килади: «Иккинчидан, шоир, ўзининг гарибликдаги огир ҳаёти, ўз ватанига бўлган иштиёқи ва интилишини кучайтириб бериш максатида, киёслаш сифатида, кейинги байтни келтиради: ватандан жудоликни булбулнинг гулзордан ажралишига ўхшатади. Ана шу байтдаги «олтун кадах ичра кизил гул бутмок» мисраси муболага сифатида кўлланилган бўлиб, биринчи байтдаги мазмунни кучайтириш, бўрттиришга хизмат килади: гул «олтин кадах» («тувак, коса») да ўстирилса ҳамки барибир булбулга гулзордаги тиканлар каби азиз ва кадрдон бўлмайди. Демак, гурбатдаги инсон учун ўз ватанининг бир сиким тупроги ҳар қандай бойликдан азиз ва кадрлидир». Энди тадқиқотчининг хулоса сўзларини тингланг: «...биринчи вариантда жой тушунчаси, яъни, ватан ва гурбат образларини бир-бирига карама-карши қўйиш ва ватанни улуглаш авторнинг диккат марказида турган. Бу ҳақда ўзининг ҳаётий тажрибаси ва мушоҳадалари асосида умумлашган фалсафий хулоса чиқарган. Бирок дастлабки вариантда хали туткунлик тушунчаси йўқ эди. Кейинчалик «кадах» сўзини «кафас» билан алмаштириш натижасида шеърда туткунлик тушунчаси ҳам қўшилган». Дастлабки вариантда ҳам туткунлик тушунчаси бўлган. Шунингдек, «ватан ва гурбат образларини бир-бирига карама-карши» қўйиб ватанни улуглаш шоирнинг диккат марказида турмаган.

Алишер Навоий Ватан сўзини географик маънода, яъни, тугилиб, ўсиб-улгайган жой мазмунида кўп маротаба тадбик этган. Масалан, шоир устоди Саййид Хасан Ардашерга ёзган шеърининг мактубида:

Ки бўлмок ватан ичра душвор эди,
Кўнгулга жафо дафъи озор эди,—

деркан, она шахри Хиротни эътиборга олган. Устод Максуд Шайхзода айтганидек, Навоий «хатто Хуросон салтанатининг йирок вилоятларига борганда ҳам ўзини «гурбатда» хис этган», Рубоийга шу нуктаи назар билан ёндашилганда, Ёқубжон Исмоковнинг «Навоий 1465—66 йилларга қадар, асосан, Хирот ва Машхадда яшаган. Шеърдаги «гурбат» сўзидан кўриниб турибдики, бу шеърни у ўз ватани Хиротда эмас, балки гурбатда — мусофирликда, демак, Машхадда ёзган бўлиши керак», деган фикрларига, бир қарашда, асло шубхаланиб бўлмайди.

«Навоийнинг ўз тугилган она шахри Хиротдан, қавму қариндошларидан узок Машхадда кечирган йиллари анча машаққатли бўлган бўлса керакки,— дейди профессор Абдуқодир Хайитметов,— у «Мажолисун нафоисмда у йилларни эслаб ўзини «гариб» деб атайди ва касал бўлиб қолганда «бир букъада йикилиб» қолганини айтади». Тадқиқотчининг тахминича, рубоий «шу вақтларда (яъни Машхадда — И. Х.) ёзилган бўлса ажаб эмас». Демак, «гурбат» ва «гариб» тўртликдаги «белги» сўзлар бўлиб, рубоийнинг яратилган вақти, бош гоёси ва лирик қахрамоннинг қайгули ҳолатини аниқлашга «очкичидир. Дарҳақиқат, худди шундай.

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш.

Шу мисранинг ўзи гўё тугал мазмунли шеър. Уни ўқиган захоти, юртидан йироклардаги кишининг қисмати тасаввурда қарийб тўла жонланади. Ватандан жудолик—гурбат. Гурбатда яшаш — гариблик. Гариб — шодликдан махрум бир бечора. Рубоийнинг охириги байтидаги образли қиёс Ватан ва фарзанд ўртасидаги боғлиқликни чуқур исботлайди. Аммо шуни ҳам унутмайликки, гурбатнинг қафаслиги, гарибнинг қизил гул ўсган олтин қафасдаги булбулга монандлиги, булбул ўз тиканли ошёнини севганидек, инсоннинг ҳам ўз жонажон юртига муҳаббат қўйиши, ватанпарварлик гоёси — буларнинг барчаси бизнинг ҳаёл ва тасаввуримиз орқали тўқилган фикрлардир. Балки «гурбат» биз ўйлаган жудолик қаридан бошқа қаридир? «Гариб» ҳам ўзгача маслакдаги гарибдир. Шундай бўлиши мумкинми? Албатта, мумкин!

Шеър ички сир ва бойлигини қанча узок муддат яширин саклай олса, ўшанча яхши. Баъзан шундай ҳам бўлади: қандайдир бир шеър ҳақида қўп гапирилади, ёзилади. Ва ўқувчиларда ўша шеър бағрида нималардир ҳамон сир ётганлигига шубҳа қолмайди. Бундай тургун муносабат — қанақам шеърни таҳқирлашдир. Ҳақиқий шеърнинг гоёвий тарқиб қамида икки ёки уч маъно қатламидан иборат бўлади. Бу жихатдан Шарқ шеърқияти жаҳон адабиётида ўрнатилган қўрсатқан. Қарб санъатқорларидан бири шеърдаги илк маънони Жаноби Биринчи Мусофир деб атаган экан. Шу Мусофирга ўқувчини

юзлаштириш, шу Мусофирнинг ахвол-рухиясини англатиш учунгина шеър ёзилмайди. Кўп маъноли шеър қандай яратилади? Мажозга асосланиб, дейди Р. Барт. Г. Рикёрнинг таъбирича, мажозий мохиятлар эса дастлабки маъно орқали, унга суяниб кашф қилинади. Тасаввуф шеъриятида ахвол сал бошқачарок. Унда мажоз бош мақсадга бамисоли бир «пардавидир. Шу боис шоирнинг ўзи учун ташки маъно фавқулдда ахамият касб этмайди. Уни мажозий фикр заминида маъно дурларини бекитиш жиддий кизиктиради. Навоийнинг рубоийсида ҳам мазмун икки катламли.

Е. Э. Бертельс нашрга тайёрлаган «Миръоти ушшок» номли тасаввуф лугатида: «гурбат — жонон харамидан дилу жоннинг йироклашуви; поклик оламидан ажралиб нафсу шарни якин билмок»,— деб шархлаган. Саййид Сажжодий «гурбатини куйидаги тарзда таснифлайди:

1. Ватандан жудолик гурбати.

2. Жохил ва фосик кавм орасида мажбуран, яъни, гайри ихтиёрий равишда ўтирган одам гурбати.

3. «Гурбат Хак талаби бўлиб, бу — орифнинг гурбати, зеро орифнинг химмати маъруфдурки, у охират ахли орасида ҳам гарибдур». Чунки, ориф «Халк орасида аниссиз бўлинг!» деган даъватларни ҳам асло ёддан чиқара олмайди. Навоий рубоийсида илгари сурилган ботиний мазмун орифнинг гурбатидир. Навоийнинг газалларидан бирида:

Танимга чоклар очти, не айб, агар ўлсам,

Ки рух булбулининг лойиқи эмас бу кафас,

дейилган. Ўз вужудини кафас сезган гариб, гуноҳ ва мусибатларга тўла оламни «рух булбулининг кафаси деб англаганлиги шубҳасиздир. Тасаввуф таълимотида гарибнинг илохий эрки — «Аналхак»лик. Ана шу хурликка етишгунча у гурбатда яшайди, гурбатдан тинимсиз азоб чекади. Бу фикрга янада ишонч ҳосил қилиш учун рубоийнинг иккинчи сатри устида андак мушоҳада юритиш кифоя.

Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.

Гарибга-я? Нечун? Мусофирга меҳрибонлик кўрғаза олмайдиган «эл» қанака эл?

Нахотки, гариб «эл ямони» бўлса? (Навоийнинг «Эл қочса бировдан эл ямони бил они...» сўзларини эсланг,) Йўқ, гарибу мусофирларга ҳамма вақт ва ҳамма жойларда харқалай «шафику меҳрибонлар топилган. Колаверса, Навоий ўз диёри ахлидан етган жавру зулм олдида ўзга юртлардаги гарибликни фожиа ҳисоблайвермаган:

Ўз диёринда гариб элдин етар чун жавру зулм,

Эл диёринда гариб ўлмоғлигим эрмас гариб.

«Гариб эл» ким? Жавру зулмга мохир, онги заиф, идроки юпун гумрохлар тўдаси. Булар билан чин гариблар сийратида мутлақо якинлик йўқ.

Тасаввуф ахлоқи бўйича, кимларнингдир шафқату мурувватига мухтожлик сезган гариб — гарибмас. Бунинг акси ўларок, гарибга эхтиромсиз кимсалар кўнгли каттик, бераҳм халойик сифатида айбланганлар. Аҳмад Яссавий бир хикматида «Уммат бўлсанг гарибларга тобе бўлгил», деса, бошқа бирида «Оқил эрсанг гарибларни кўнглин овла»,

дея чорлайди. Лекин энг оқил одам ҳам Гарибнинг кўнглини овлаши душвордир. Сабаб? У айтган эмиш: «Бир кун борур эрдим, бир йигит кўрдумки, анда шўре бор эрди. Дедим, кайдин сен, эй гариб. Деди: «Гарибму билур улки, анинг била мувонасате (дўстлашиш, якин муносабатда бўлиш) бўлгай?» Гарибнинг бу гапи Зунун Мисрийга шу даражада каттик таъсир қилибдики, у кичкирганича хушдан кетибди. Ўзига келгач, гариб ундан «Санга не бўлди?»— деб сўрабди. Зунун Мисрий ўшанда «Дору дардга мувофик тушти», деб жавоб кайтарган экан.

Биров бир дарвишнинг ёнига келиб «Нечун ёлгиз ўлтирибсен?»—дебди. Дарвиш айтибди: «Энди ёлгиз бўлдумки, сен келдинг ва манга Хакдин монеъ бўлдинг...» Ана шу дарвиш том маънодаги гарибдур. Гариб нима истаса маъшуқи азалдан тилайди. Вужуди мутлак унинг танхо Дўсти. «Бегона эл била сухбат тутат» олмаслик гарибликнинг характерли аломати. Шунинг учун Навоий «рафик» сўзининг жойига «шафик»ни танлаган эди. Бундан ташқари, шоир «эл анга шафику меҳри-бон бўлмас эмиш», деганида янги бир ҳақиқатни гавдалантирмаган. Балки гариб табиати ва гариблик фалсафасининг бир қиррасига эътиборни қаратган. Чунки Шарк тасаввуф адабиётида, жумладан, Ахмад Яссавий хикматларида ҳам ушбу масала ёритилган. Яссавий айтади:

Гариблигда юз йил турса, эрур меҳмон,
Тахту бахту бўстонлари эрур зиндон.

Бу «зиндонянинг иккинчи ва тасаввуфда оммалашган номи гурбат бўлиб, Ахмад Яссавийнинг «Гариблигда гурбат ичра колдим мано», дея ох чекиши тасодифий эмас. «Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш»— Яссавий баёнидаги ҳақиқатнинг янги тасвири ҳамда тасдиғидир.

Ўзбек халқ мақолида «Гарибнинг кўнгли — тангрининг уйи», дейилган. Гарибнинг кўнгли илохий ишқ бўстони. Гарибнинг ботиний завқидан «еру кўклар наво» килади. Сайёдий «Тохир ва Зухра» достонида «Бу дунёда на мушкулдур гариблик, Ажойиб турфа бедилдур гариблик», деган. Гариб мусофир бўлмасдан, юртида шох бўлган дейлик. Нима ўзгарарди? Сайёдий тўғри шархлаган:

Агарчи ўз еринда шох бўлса, Мусофир бўлса, бир кулдур гариблик.

Бирок бу куллик — шохликдан устун куллик. Чини билан ажойиб, турфа «куллик». Мана шунинг учун Ахмад Яссавий, «Худойига гариблар билгулукдир», деб ваколат берган. Харақонийнинг «Нур — ал улум» асарида ўқиймиз: «Сўрадиларки, гариб кимдур. Деди: Тани бу жаҳонда гариб киши гариб эмасдур. Балки дили вужудида, сири дилида гариб бўлганлар гарибдур. Сўрадиларки, унинг дўстлари қандай фазилатли кишилар? Деди: дунё дўстлигидан дили фориғ бўлганлар».

Қалби вужудида, сири кўнглида гариб бўлган ана шу қахрамон олий орзу ва самовий туйғулар огушида яшайди. У дунёпараст ножинслардан, имони сушт лаимлардан, «махлук хизматиға камар» боғлаган таъмағир ва хушомадгўйлардан узлатга чекинади. Лекин у бу чексиз оламнинг тенгсиз гўзаллигидан хайратланиш, маърифат баҳрига чўмишдан чекинмайди. Тасаввуф ахлоқида гариблик туйғуси шундай бир ички «қалъаидурки, унда ишқ, имон, поклик, гурур, донолик каби ўнлаб қамбў инсоний хислатлар дахлсиз

асралади. Бу «калъа» кўнгулни бедаът ва хурофотдан мухофаза этади. Гариб ташки дунёга ўз ички имтиёзи ва эҳтиёжларидан келиб чикиб нигоҳ ташлайди. Уни ҳаммадан ортик «олам уйи»нинг торлиги, унда майда гавголарнинг кўплиги кийнайди. У «Хакикатда хакикатдан ўзга яна қандай мақсад бўлиши мумкин», деб ўйлайди. У ботиний дунё комиллиги учун зохирий дунёдаги ранж ва аламларни сабр билан бошдан кечираверади. Шу боис Захириддин Мухаммад Бобур ўглига:

Бил, гариб, улдурки гурбатда,
Кун кечиргай азобу шиддатда,

деган эди.

Шундай килиб, рубоийдаги иккинчи маъно катлами биринчисидан фарқ қилади, бироқ уни инкор этмайди. Алишер Навоийнинг санъаткорлиги ҳам мана шунда.

Иброхим Хаккул